

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.31.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ДОНИЁРОВА ФАРАНГИСБОНУ АЛИШЕР ҚИЗИ

**БОЛАЛАРДА АУТИЗМНИНГ КЛИНИК-НЕВРОЛОГИК
ПАРАЛЛЕЛЛАРИ ВА ПРОГНОСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.13–Неврология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИНИНГ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2021

УДК:616-831-616.127-005.8

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Дониёрова Фарангисбону Алишер кизи

Болаларда аутизмнинг клиник-неврологик параллеллари ва прогностик хусусиятлари

Дониёрова Фарангисбону Алишер кизи

Клинико-неврологические параллели и прогностические особенности аутизма у детей

Doniyorova Farangisbonu Alisher kizi

Clinical and neurological parallels and prognostic features of autism in children

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.31.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ДОНИЁРОВА ФАРАНГИСБОНУ АЛИШЕР ҚИЗИ

**БОЛАЛАРДА АУТИЗМНИНГ КЛИНИК-НЕВРОЛОГИК
ПАРАЛЛЕЛЛАРИ ВА ПРОГНОСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.13–Неврология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИНИНГ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.2.PhD/Tib642 рақам билан рўйхатга олинган

Диссертация Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tipme.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Маджидова Якутхон Набиевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Шамансуров Шаанвар Шамуратович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Чутко Леонид Семенович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.31.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «_____» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100007, Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани Паркент кўчаси 51-уй. Тел./Факс: (+99871) 268-17-44; e-mail: info@tipme.uz).

Диссертация билан Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100007, Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани Паркент кўчаси 51-уй. Тел./Факс: (+99871) 268-17-44.

Диссертация автореферати 2021 йил «_____» _____ куни тарқатилди.

(2021 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Х.А.Акилов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Н.Убайдуллаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Б.Г.Гафуров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Болаларда неврологик касалликлар орасида аутистик спектр бузилиши эътибор талаб этувчи патологиялардан бири бўлиб ҳисобланади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотига кўра, “дунё бўйлаб 160 боладан биттасида АСБ борлиги тахмин қилинмоқда. Ихтисослаштирилган ёрдамсиз, аутистик спектрнинг бузилиши (АСБ) бўлган болаларнинг 95-97% гача оғир рухий ногирон бўлиб қолади”¹. Ушбу болаларнинг аксарияти доимий равишда коррекция қилинувчи, ижтимоий ҳамда таълимий ёрдамга муҳтож. Шу сабабли болаларда аутизмнинг клиник-неврологик параллеллари ва прогностик хусусиятларини ташхислаш орқали самарали даволаш тартибини такомиллаштириш болалар неврологиясининг муҳим муаммоларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда болалар аутизмнинг клиник-неврологик параллеллари ва прогностик хусусиятларини оптималлаштириш ва самарали даволаш тартибини такомиллаштириш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар олиб борилган. Бу борада аутистик спектрнинг бузилиши ривожланишининг аҳамиятли хавф омилларини, клиник-неврологик, клиник-нейрофизиологик кўрсаткичлари, аутизмнинг ривожланишида кариотип аҳамиятини аниқлаш, фолат циклининг бузилиши билан ассоциацияланган икки полиморф вариантларнинг молекуляр-генетик В₁₂ га боғлиқ метионинсинтаза (MTR Asp919Gly, A2756G, rs1805087) ва редуктазанинг метионинсинтаза (MTRR Pе22Met, A66G, rs1801394) таҳлилинини ўтказиш эҳтиёжи ортиб бормоқда. Аутизм билан хасталанган болаларда рухий-нутқ бузилишларини ташхислашда VB-MAPP баҳолаш дастурининг аҳамиятини баҳолаш, ижтимоий мослашув ва вербал хулқ кўникмаларини ҳамда болаларда аутизмни коррекция қилишда applied behavior analysis терапияни такомиллаштириш орқали даволашнинг самарали тартибини ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш хизматини такомиллаштириш, жумладан, ҳомиладорлик даврида она организмида юзага келадиган турли ўткир ва сурункали касалликлар, уларнинг асоратлари натижасида ривожланадиган ирсий касалликларни эрта ташхислаш, даволаш ва олдини олиш сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада «.... ирсий, генетик, бирламчи иммунитет танқислиги, туғма ва орттирилган касалликларга чалинган болаларга ташхис қўйиш, уларни даволаш ва реабилитация қилиш тизимини, шу жумладан туғма, сурункали касалликларга чалинган ва ногиронлиги бўлган болаларни реабилитация қилиш марказларини ташкил этиш орқали такомиллаштириш.....»² каби вазифалар белгиланган. Шундан келиб чиққан ҳолда болаларда аутизмнинг

¹ WHO. World health statistics, 2013; WHO.Hearts: technical package for cardiovascular disease management in primary health care, 2018

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590 сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора–тадбирлар тўғрисида»ги Фармони.

клиник-неврологик параллеллари ва прогностик хусусиятларини қўллаш, оптимал даволаш тактикасини танлаш орқали ирсий касалликларни, камайтириш самарадорлигини амалга ошириш долзарб илмий йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947–сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590–сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора–тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 4 апрелдаги ПҚ–2866–сон «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида онкология хизматини янада ривожлантириш ва аҳолига онкологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора–тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071–сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора–тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий–ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Аутистик боланинг дезадаптациясига масъул бўлган руҳий функцияси бирламчи бузилиши сабабларини аниқлашга доир кўп йиллик изланишлар муваффақият қозонмади ва ҳозирги вақтда болалар аутизми руҳий ривожланишда кенг тарқалган ва қамровли бузилиши деб баҳоланган (Naghiri R., Mashayekhi F., Bidabadi E., Salehi Z., 2016). Ҳозирги пайтда мутахассисларнинг диққат марказида аутистик боланинг нафақат руҳий қобилятидаги баъзи дефицитарликнинг намоён бўлиши, балки ташқи дунё авваламбор, унинг яқин инсонлари билан ўзаро таъсир қилиш шакллари ривожланишидаги бузилишларнинг умумий қонуниятлари жой тутди (Chelly J. et al., 2006; Abrahams V.S., et al., 2010; Rudra A. et al., 2016).

Болалар аутизми табиатини тушунишда бола ривожининг аффектив ва когнитив бузилишини ягона мантиғини англагандагина эришиш мумкинлиги бир қатор тадқиқотчилар томонидан кўрсатилди (Ростомашвили И.Е., Уфаева Н.Ю., 2016; Baird G., et al., 2006; Kogan M.D., et al., 2007; Magiati I. et al., 2017). Психик дизонтогенез ушбу турининг шаклланганлигини англаш, боланинг дунё билан муносабатларини ташкил қилишдаги бузилишларнинг чуқурлиги муаммони унинг жуда кичик ёшидан бошлаб ўрганишга йўналтирилган тадқиқотларни тақозо қилади. Бироқ, аутизм билан касалланган болалар руҳий ривожланишининг илк даври билан боғлиқ бир қатор жиҳатлари ҳозирга қадар етарлича ўрганилмаган (Freitag C.M., et al., 2010; Лещенко С.В., 2018).

Юқори частотадаги генетик ва геном бузилишлар аутистик спектр

бузилишлари ва ақлий заифлик бўлган болаларда учрайди. Бу гуруҳда микроскоп остида аниқланувчи хромосома аномалиялари ва шунингдек, ДНК нусхалари сонининг субмикроскопик ўзгаришлари ва моноген мутациялар аниқланган ((Freitag С.М., et al.,2010; Лещенко С.В., 2018). Касалликнинг юзага келишига таъсир кўрсатувчи генлар идентификацияси унинг асосида ётган ривожланишнинг бузилиши механизми аниқлаш имконини берди (Rauch А., et al., 2006; Kaufman L., et al., 2010; Shmaya Y. et al., 2017).

Аутизмнинг генетикаси ва геномикаси муаммоси бўйича шахсий ва адабиётларда келтирилган маълумотларни таҳлил қилиш ушбу касалликнинг клиник ва генетик гетерогенлиги, шунингдек янги биоинформатив технологиялар ёрдамида индивидуаллараро ва хужайралараро геном вариацияларининг функционал оқибатларини ҳисобга олувчи юқори аниқликдаги қўшимча тадқиқотларнинг заруратини тўла асослайди (Stromme P., et al., 2002; Singh S. et al., 2017; Samereh А., Mashayekhi F., Bidabadi E., 2017). Аутистик бузилишлари ва ақлий заифлик бўлган болаларда геном ва хромосома бузилишларини текшириш дифференциал генетик ташхислаш ва руҳиятнинг тегишли бузилишларининг сабабларини аниқлашда катта аҳамиятга эга. Бу технологиялар касалланганларнинг 50% дан кам бўлмаган қисмини ташкил қилувчи аутизмнинг генетик шартига эга шакллари лабораторияда эрта ташхислаш имконини таъминлайди (Строзенко Л. А. и др., 2016; Мальцев Д. В., 2018; Chelly J., Khelfaoui M., Francis F. et al., 2016).

Ўзбекистонда болаларда учрайдиган руҳий асаб ўзгаришларни эрта ташхислаш, даволаш тизимини амалга ошириш борасида олимлар томонидан бир қатор тадқиқотлар бажарилган. Аутизм билан оғриган беморлардаги ген ва оксилларни соғлом кишиларникидан фарқлаш, аутизмнинг генетик жиҳатдан шакллари эрта аниқлаш борасида бир қатор тадқиқотлар амалга оширилган (Маджидова Я.Н., 2018, Эргашева Н.Н., 2018). Бироқ, болаларда аутизмнинг клиник-неврологик параллеллари ва прогностик хусусиятлари махсус тадқиқот мавзуси бўлган эмас.

Шундай қилиб, бундай тадқиқотлар аутизм каби оғир ижтимоий аҳамиятга эга касалликнинг идиопатик шакллари патогенетик механизмини аниқлаш, шунингдек аутизмда психиканинг бузилишини эрта тиббий ва психологик коррекциясининг илмий асосланган усулларини ишлаб чиқишда долзарб ҳисобланади. Болалар аутизми синдроми тамомила шаклланишиб бўлгунига қадар психоневрологик ривожланишнинг бузилиши тенденциясини эрта аниқлаш ва болани коррекцияловчи қўллаб-қувватлаш воситаларини ишлаб чиқиш унинг ижтимоий мослашуви прогнозини яхшилашга қаратилган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент педиатрия тиббиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ПЗ-20170929704 рақамли «Аутизмни клиникагача ва клиник намоён бўлишининг эрта босқичларида эрта ташхислашнинг скрининг усулларини ишлаб чиқиш» (2017–2020) мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади аутистик спектрнинг бузилиши бўлган болаларда прогностик мезонларни ишлаб чиқиш ва улар ривожланишининг

хавф омилларини клиник-нейрофизиологик, цитогенетик ва молекуляр-генетик тадқиқотлар асосида баҳолашни оптималлаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

аутистик спектрнинг бузилиши ривожланишининг аҳамиятли хавф омилларини аниқлаш, улар асосида прогностик мезонларни ишлаб чиқиш;

болаларда аутизмнинг клиник-неврологик характеристикасини баҳолаш;

болаларда аутизмнинг клиник-нейрофизиологик кўрсаткичларини баҳолаш;

болаларда аутизмнинг ривожланишида кариотип аҳамиятини таҳлил қилиш билан цитогенетик текширув олиб бориш;

фолат циклининг бузилиши билан ассоциацияланган икки полиморф вариантларнинг молекуляр-генетик В12 га боғлиқ метионинсинтаза (MTR Asp919Gly, A2756G, rs1805087) ва редуктазанинг метионинсинтаза (MTRR Ile22Met, A66G, rs1801394) таҳлилин аналга ошириш;

аутизм билан хасталанган болаларда руҳий-нутқ бузилишларини ташхислашда VB-MAPP баҳолаш дастурининг аҳамияти, ижтимоий мослашув ва вербал хулқ кўникмаларини баҳолаш;

болаларда аутизмни коррекция қилишда applied behavior analysis терапиянинг самарадорлигини қиёсий баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг шифохонасида 2017-2020 йиллар давомида аутистик спектр бузилиши билан даволанган 2 ёшдан 15 ёшгача бўлган 100 нафар болалар олинган.

Тадқиқотнинг предмети веноз қон зардоби ва нейрофизиологик текширувлар ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишида клиник, неврологик текширув, нейрофизиологик текширув (рутин ЭЭГ), цитогенетик, молекуляр – генетик ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор аутизм касаллигида MTRR гени rs1801394 полиморфизмининг G аллели ва A/G гетеро, G/G гомозиготли генотипининг ассоциацияси аутизм ривожланиш хавфи билан узвий боғлиқлиги исботланган;

илк бор MTRR гени rs1801394 полиморфизмининг A аллели ва A/A генотипининг мавжуд бўлиши аутизм ривожланиши хавфини камайтириши аниқланган;

илк бор аутизм билан хасталанган болалардаги неврологик синдромлар ва аутизм клиник манифестациясининг ўзаро боғлиқлиги исботланган;

аутизм билан касалланган болаларда руҳий-нутқ бузилишлари, ижтимоий мослашув кўникмалари ва вербал хулқни ташхислашда VB-MAPP баҳолаш дастурининг самарадорлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

иккала жинсдаги болалар орасида аутистик спектр бузилишининг учраши ҳақидаги маълумотлар асосида ушбу касаллик шаклланишининг ажратилган биологик ва ижтимоий хавф омиллари текширув ва динамик кузатув олиб борилиши лозим бўлган болалар гуруҳи шакллантирилган;

аутистик спектр бузилиши бўлган болаларда олиб борилган комплекс текширув натижаларига таянган ҳолда ёшнинг турли даврларида ушбу касалликнинг клиник кўринишлари ҳақидаги мавжуд тасаввурларга аниқлик киритилган;

аутизм бўлган болаларда рухий-нутқ бузилишлари, нутқ кўникмалари ва ижтимоий мослашувнинг ифодаланганлигини баҳолаш ва коррекция қилиш учун VB-MAPP баҳолаш дастуридан фойдаланиш такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот ишида замонавий усул ва ёндашувларнинг қўлланилганлиги, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, клиник, неврологик, нейрофизиологик, цитогенетик ва молекуляр-генетик ва статистик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, болаларда аутизмнинг клиник-неврологик параллеллари ва прогностик хусусиятларини оптималлаштириш ва самарали даволаш тартиби халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг назарий аҳамияти биринчи марта цитогенетик тадқиқотлар ва B_{12} га боғлиқ метионин синтаза (MTR Asp919Gly, A2756G, rs1805087) ва метионинсинтаза редуктаза (MTRR Ile22Met, A66G, rs1801394) асосида, A66G, rs1801394) АСБнинг шаклланиши ва зўрайишининг янги гипотетик схемаси очиб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти болаларда аутистик спектр бузилиши мойиллигини эрта ташхислаш ва кейинчалик applied behavior analysis терапияси ёрдамида беморларни саломатлик ҳолатини яхшилаш, ота-она ва бола ўртасида муносабатларни тиклаш ва ташхисот усулини оптималлаштириш, беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Болаларда аутизмнинг клиник-неврологик параллеллари ва прогностик хусусиятларини оптималлаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Болаларда аутизмнинг клиник-неврологик параллеллари ва прогностик хусусиятларини оптималлаштириш бўйича илмий тадқиқотнинг натижалари асосида ишлаб чиқилган «Болаларда аутизмни даволашда applied behavior analysis (ABA) даволаш тартибини самарадорлиги» номли услубий тавсифномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 22 октябрдаги 8н-д/257-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома даволаш муддатини қисқартириш, келиб чиқувчи салбий асоратлар сонини камайтириш ва даволаш самарадорлигини яхшилаш имконини берган;

болаларда аутизмнинг клиник-неврологик параллеллари ва прогностик хусусиятларини оптималлаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникасининг клиник амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 29 июндаги 08–09/6212-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижалари даволаш муддатини қисқартириш,

ремиссия даврини узайтириш ва аутизми бор болаларни атроф-муҳитга мослашиши имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, беш боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 102 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва аҳамияти, ушбу ишга бўлган зарурат асосланган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, мазкур тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар устувор йўналишларига мос келиши кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Болаларда аутизмни ташхислашнинг долзарб муаммолари (адабиётлар обзори)**» деб номланган биринчи бобида эпидемиологик тадқиқот масалалари акс этган замонавий адабиётлар кўриб чиқилган ва таҳлил қилинган, болаларда АСБ нинг патологик механизми очиб берилган. Ушбу патологияда аутизмнинг молекуляр-генетик жиҳатларига ва амалий таҳлил олиб бориш тамойилларига (АВА) алоҳида эътибор қаратилган.

Диссертациянинг «**Болаларда аутизмни ташхислашда тадқиқот материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида текширилаётган материал ва текширув усуллари тақдим этилган. Текширилаётган гуруҳларда аутистик бузилишларни ташхислаш учун АСБ ташхиси DSM-IV мезонларидан фойдаланилди. Назорат гуруҳини, жинси ва ёши бўйича асосий гуруҳ билан таққосланувчи, таълим муассасаларига қатнайдиган ва аутистик бузилишлари бўлмаган, 35 нафар болалар ташкил қилди. Асосий гуруҳни АСБ бўлган 100 нафар бола ташкил қилди.

Қуйидагилар юқорида қайд этилган гуруҳлардан истисно мезонлари бўлиб ҳисобланди: ҳозирда марказий асаб тизимининг (МАТ) органик шикастланиши; моддалар алмашинувининг наслий бузилишлари (фенилкетонурия, тирозинемия, гиперглициурия ва б.); хромосома касалликлари; аутистик спектрнинг бошқа бузилишлари.

Неврологик текширув юқори мия функциялари, бош мия нервлари, ҳаракат функциялари (ихтиёрий ҳаракатлар, координация, беихтиёр ҳаракатлар), сезгирлик, менингиал синдром, вегетатив-трофик функциялар ҳолатини баҳолаш билан кетма-кет олиб борилди.

Аутизмнинг ифодаланганлигини баҳолаш учун болалар аутиزمини баҳолаш шкаласи қўлланилди (Childhood Autism Rating Scale – CARS (Schopler E. et al., 1988)).

Молекуляр-генетик текширувлар ЎзР ССВ Гематология ва қон қуйиш ИТИнинг “Молекуляр тиббиёт ва хужайра технологияси” бўлимида бажарилди, (раҳбар – т.ф.д., проф. Х.Я.Каримов).

Ушбу ишнинг молекуляр-генетик қисми ЎзР ССВ Г ва ҚҚ ИТИ тиббий генетика лабораториясининг базасида бажарилди. Стандарт цитогенетик усул бир нечта стандарт муолажаларни ўз ичига олади: митоз циклининг тегишли босқичида хужайраларнинг ажралиши ёки тўпланиши (культивацияси) (метафаза, профаза), хужайраларга гипотоник ишлов бериш ва фиксация қилиш, предмет ойнасида уларнинг тарқалиши, хромосома препаратларини бўяш ва кейинчалик хромосомаларни ёруғлик ёки флюоресцент микроскоп остида таҳлил қилиш. Периферик қонда ДНКни ажратиш усули. ДНКни ажратиш учун ишлаб чиқарувчи фирманинг йўриқномасига мувофиқ “НекстБио” (Россия) МЧЖ “Ампли-Прайм РИБО-преп” тўплами ёрдамида ДНК ажратилди.

Ажратилган ДНКнинг концентрацияси ва тозалиги А260/280 нм тўлқин узунлигида NanoDrop 2000 (АҚШ) спектрофотометрида ўлчанди. А260/280 нисбати билан аниқланувчи ажратилган ДНК намуналарининг тозалиги 1,7/1,8 ни ташкил қилди. ДНК Амплификацияси НПФ “Литех” (Россия) МЧЖ тест-системасидан фойдаланиб, ишлаб чиқарувчининг йўриқномасига мувофиқ “Applied Biosystems” (АҚШ) ва “Corbett Research” (QUAGEN, Германия) фирмасининг дастурлаштирилган термоциклерларида олиб борилди.

Олинган натижаларга, статистик ишлов беришнинг ўрнатилган функцияларидан фойдаланишни киритиш билан, Microsoft Office Excel 2010 дастурий пакети ёрдамида Pentium V персонал компютерида статистик ишлов берилди.

Диссертациянинг **“Болаларда аутизмнинг клиник-неврологик ва нейровизуализация хусусиятлари”** номли учинчи бобида АСБ бўлган болаларда неврологик статуснинг динамикаси қиёсий баҳоланди.

Ушбу ҳолатда перинатал хавф омиллари (боланинг туғилгандаги ва чақалоқлик давридаги ҳолати) ҳақида олинган маълумотларга мувофиқ, 49% да неврологик бузилишлар 1 ойликкача бўлган даврда, 26% да неврологик бузилишлар неонатал даврда кузатилган. Деярли 15% болалар туғилганда 2500 грамм ёки 4000 килограммдан кам вазнга эга бўлганлар. Асфиксия ва она қорнида ривожланишдан орқада қолиш 8% нафар беморларда учраган. Постнатал хавф омиллари ҳақида олинган маълумотларга мувофиқ, болаларнинг 77% да оиласида салбий руҳий муҳит, 46% да тез-тез касалланиш ва 23% да яшаш шароитлари яхши бўлмаганлиги кузатилган.

Болалар аутиزمи бўлган болаларнинг кўпинча оилавий анамнезида ишонарли тарзда руҳий касалликларга мойил бўлиши ($p < 0,05$), анте- ва

перинатал даврида оғишларнинг бўлиши ($p < 0,05$) ва перинатал хавф омилларининг бирга келишига эга бўлганлар ($p < 0,05$), бу аутистик бузилишларнинг шаклланишида катта роль ўйнаши мумкин.

Соматик патология структураси кўп ҳолатларда ошқозон-ичак тракти касалликларининг (билиар тракт дискинезияси, гастродуоденал соҳанинг сурункали касалликлари) мавжудлиги билан характерланди, улар асосий гуруҳдаги болаларнинг 72,1% ни ташкил қилди, бу назорат гуруҳининг кўрсаткичларидан ишонарли тарзда фарқ қилди ($P < 0,05$). Шунингдек асосий гуруҳдаги болалар орасида катта фоизда бронхиал астма, атопик дерматит, аллергик ринит, иккиламчи иммунтанқислик ҳолатлари кўринишидаги аллерго- ва иммунопатология учраган (9,6% га қарши 60,5% мос равишда; $P < 0,05$). ЛОР-аъзолари патологияси (сурункали тонзиллит, аденоидит, бурун тўсиқларининг қийшиқлиги) назорат гуруҳига нисбатан (7,7%) кўпинча АСБ бўлган болаларда ташхисланган (23,3%). Юрак-қон томир тизимидаги оғишлар асосан синус тугунининг дисфункциялари - синусли тахи- ва брадиаритмиялар, синоатриал блокада 2 даражасининг 1 типи кўринишида бўлган, улар асосий гуруҳдаги болаларнинг 23,3% да, назорат гуруҳида - 7,0% да учраган. Бир нечта патологияларнинг бирга учраши кўпинча болаларнинг асосий гуруҳида кузатилган ва 55,8% ни, назорат гуруҳида эса патологияларнинг бирга учраши анча кам бўлган ва 9,6% ташкил қилган ($p < 0,05$).

Болаларнинг кўруви вақтида неврологик статус тонуслар диссоциацияси, рефлексларнинг ўзгариши (пай ва периостал рефлексларнинг енгил асимметрияси), нутқнинг пастлиги ва ижтимоий мулоқотда нуқсонларнинг мавжудлиги кўринишидаги тарқоқ микросимптоматика билан характерланди.

Бош мия нервлари томонидан – бурун-лаб бурмасининг асимметрияси ва силлиқланганлиги, кўз ёриқларининг асимметрияси, тилнинг ўрта чизикдан четга оғиши ва б. шаклидаги мия иннервациясининг етишмовчилиги; конвергенция ва аккомодациянинг бузилиши 15,6% болаларда, бурун-лаб бурмасининг силлиқланганлиги ва кам ҳаракатчанлиги: ўнг томонлама - 17,2% болаларда, чап томонлама - 12,4% болаларда; тилнинг ўрта чизикдан четга оғиши 2% болаларда кузатилди (кўпчилик болалар ушбу инструкцияни бажаришдан бош тортдилар), бульбар ва псевдобульбар симптомлар аниқланмади, бироқ 14% болаларда ютиш рефлекси сақланган ҳолда оғизда овқатни узоқ вақт ушлаб туриши кузатилди. Тонус диссоциацияси, патологик рефлекслар, координацион бузилишлар клиник таққослаш гуруҳи 9,1% билан таққосланганда 35,5-41,1% бўлди. Неврологик симптоматика аутизм билан касалланган 3-6 ёшли болалар гуруҳида кўпроқ ифодаланган, бироқ 7-10 ёшда ҳам йўқолмаган.

АСБ бўлган болаларда уйқунинг бузилиши (диссомниялар, инсомниялар, сомнолонгвия, сомнамбулизм, тунги ваҳималар) частотаси аҳамиятли тарзда ($p < 0,05$) юқори бўлган - 41%. Шунингдек, МАТ да патологик ўзгаришлар бўлмаган болалар фоизи назорат гуруҳи билан таққослаганда аҳамиятли даражада ($p < 0,05$) паст бўлган (9% га қарши 42,8%) (жадв. 1).

**Неврологик синдромлар структураси
(ушбу касалликлар бўлган болаларнинг умумий сонидан % да), абс. (%)**

Нозология шакллари	Назорат гуруҳи (n = 35)		Асосий гуруҳ (n = 100)	
	5	14,2	19	19
Периферик цервикал етишмовчилиги синдроми	5	14,2	19	19
Мушак дистонияси синдроми	7	20	25	25
Пирамида-, экстрапирамидали симптоматика	2	5,7	16	16
Энурез	1	2,8	8	8
Уйқунинг бузилиши	2	5,7	41	41
Бошқа синдромлар	5	14,2	6	6
МАТ нинг патологиясисиз	15	42,8	9	9

Изоҳ: * — тафовутлар $p < 0,05$ бўлганда статистик аҳамиятга эга.

Нутқнинг бузилиши иккала гуруҳда 100% ҳолатда учраган. Асосий гуруҳда эшитиш гнозиси, астереогноз, эшитиш-моторика координацияси ва динамик праксис (87% ,83%, 83% ва 77% мос равишда) устунлик қилган. Бунда қиёслаш гуруҳида ушбу бузилишлар анча кам бўлган (57%, 43%, 30% ва 23% мос равишда). Расм чизиш ва эшитиш-нутқ хотирасининг бузилиши иккала гуруҳда деярли бир хилда учраган (67% ва 83% асосийда ва 57% ва 77% қиёслаш гуруҳида мос равишда).

Ушбу тадқиқотда кузатув ва даволаш жараёнида болалар ҳолатини динамикада баҳолашда 3 ёшдан 15 ёшгача бўлган болаларда аутизм кўринишларининг ифодаланганлигини аниқлаш учун балли шкала VB-MAPP дан фойдаланилди.

Бу болаларда кўпинча кўрқиш ва нервоз ҳолати аниқланган. Энг паст ўртача балл “новербал коммуникация” ва “предметлардан фойдаланиш” субшкаласида 2,12 баллдан бўлган. Қолган ҳолатларда, барча болалар орасида кўрсаткичлар ўртача бўлган. АСБ бўлган болаларнинг 80% да аутизмнинг ўрта даражаси кузатилган ва 35-37 балл диапозонида бўлган, 6 нафар болаларда (20%) аутизмнинг оғир даражаси кузатилган, улар бироз каттароқ ёшда бўлган.

ЭЭГ ритмининг хусусиятларини аниқлаш учун эрта болалар аутизми ташхиси (F84) билан 3-15 ёшли 24 нафар бемордан иборат гуруҳ текширувдан ўтказилди. Текширувдагиларнинг ўртача ёши -10,5 ёш. ЭЭГ “Энцефалан-131-03” аппарат-дастурий комплекси ёрдамида тинч бўлган тетиклик ҳолатида қайд этилди. ЭЭГ ёзуви фронтал (F3, F4), марказий (C3, C4), тепа (P3, P4), энса (O1, O2), олд чакка (F7, F8), ўрта чакка (T3, T4) ва орқа чакка (T5, T6) соҳалардан (тоқ рақамлар билан чап ярим шар, жуфт рақамлар билан –ўнг ярим шар белгиланган) “10%–20%” халқаро тизими бўйича монополяр амалга оширилди.

Текширувдаги гуруҳларда 100% ҳолатларда руҳий-нутқ фаоллигининг пасайиши, суҳбатдоши билан кўрув мулоқотининг йўқлиги, эмоционал лабиллик, тенгдошлари билан ўзаро алоқа ўрнатиш қобилиятининг, ижтимоий-эмоционал боғлиқликнинг йўқлиги, стереотипик ва чекланган қизиқишларга берилганлиги, юқори даражадаги ҳаракат фаоллиги кўринишларидаги клиникаси кузатилган.

2-жадвалда текширувдаги беморлар гуруҳида доминант ЭЭГ-ритмининг тақсимланиши кўрсатилган. Текширувдагиларнинг барчасида доминант альфа-ритмнинг йўқлиги, фаоллик индексининг 50% дан камлиги, фаолликнинг дезорганизацион характерга эга эканлиги эътиборни қаратади.

Жадвал 2

Текширувдаги беморлар гуруҳида доминант ЭЭГ ритмининг тарқалиши


Доминант ритм	Альфа-ритм	Бета-ритм	Дельта-ритм	Тета-ритм
Беморлар сони	0	4	6	14
Умумий сонидан фоизи	0	16,67	25	58,33
Частоталар диапазони, Гц	8-12	17-34	1-4	4-5

58,33% ҳолатларда 4–5 Гц частота диапазонида тета-фаоллик устунлик қилади, бу ижтимоий мослашувнинг қийинлиги ҳақида далолат бериши мумкин. Таъкидлаш лозимки, тета-ритмнинг миқдорий хажми ва ҳолатнинг оғирлик даражаси орасида ўзаро боғлиқлик кузатилган. Клиник кўринишларнинг зўрайиш даражасида ЭЭГ да пўстлоқнинг барча соҳаларида тета-ритм ифодаланган ва энсада альфа-ритм редукцияланган. Касалликнинг ижобий динамикасининг пайдо бўлиши тета-ритмнинг аҳамиятли редукцияси ва альфа-ритм ифодаланганлигининг ишонарли ошиши билан кечган.

Шу нарса аниқланганки, 16,7% ҳолатларда (2 нафар бемор) пешонанинг олд қисми соҳасида бета-фаоллик ошган, бунда касалликнинг клиникаси қуйидаги симптомлар кўринишида ифодаланган: безовталиқ, бир жойда ўтира олмаслик, текширув вақтида хонада у ёқдан бу ёққа юравериш. Бета-2 фаоллик индекси 27–34 Гц частота диапазоли билан барча соҳаларда юқори бўлган. Ушбу беморларда доминант бета-ритм амплитудаси 94 мкВ ни ташкил қилди. Беморларнинг клиник ҳолатини ҳисобга олган ҳолда ЭЭГ маълумотларини таҳлил қилиш клиник кўринишлар структурасининг хусусиятлари билан ЭЭГ алоҳида характеристикаларининг ўзаро боғлиқлигини аниқлашга имкон берди, бундан болалар аутизмни эрта ташхислашда кўшимча маркер сифатида фойдаланиш мумкин.

Шундай қилиб, аутизм бўлган болаларда неврологик симптоматика тонуснинг диссоциацияси, рефлексларнинг ўзгариши (пай ва периостал рефлексларнинг енгил асимметрияси), нутқнинг пастлиги ва ижтимоий мулоқотда нуқсонлар мавжудлиги кўринишидаги тарқоқ микросимптоматиканинг мавжудлиги билан характерланади. Неврологик синдромлар перинатал даврда марказий асаб тизими шикастланиши субклиник шакллари (пирамида, экстарпирамида етишмовчилиги синдроми, мушак дистонияси синдроми, энурез ва б.) етарлича юқори частотада учрашининг оқибати бўлиши мумкин.

Диссертациянинг “Аутизм бўлган болалар орасида MTR ва MTRR генларини молекуляр-генетик таҳлилининг натижалари” номли тўртинчи бобида фолат циклининг бузилиши билан боғлиқ бўлган икки полиморф вариантлар молекуляр-генетик таҳлилининг маълумотлари келтирилган: B12 га боғлиқ метионинсинтаза (MTR Asp919Gly, A2756G, rs1805087) ва метионинсин-тазаредуктаза (MTRR Ile22Met, A66G, rs1801394). Хромосома патологиясининг улуши 1-расмда берилган.



Расм 1. Аутизм бўлган болалар цитогенетик текширувнинг натижалари

Ҳозирги вақтда беморларнинг тегишли ДНК-банкни яратиш учун аутизм бўлган болаларда ДНКни танлаш ва ажратиш текширувлари давом этмоқда (жадв. 3).


Жадвал 3

Аутизм бўлган болалар цитогенетик текширувнинг натижалари

№	Ёши	метафазали пластинкалар	Кариотипини текшириш
1	3	15	Нормал эркак кариотиби 46,XY.
2	7	15	Полиморфизм аниқланган – 13 ва 15 хромосомалари йўлдош соҳаларининг ошиши (s+). 46,XX.
3	7	15	Полиморфизм аниқланган – 15 хромосомаси йўлдош соҳаларининг ошиши (s+). 46, XY.
4	4	15	Нормал эркак кариотиби 46,XY.
5	3	15	Нормал аёл кариотиби 46, XX.
6	5	15	Нормал аёл кариотиби 46, XX.
7	3	20	21 хромосома полиморфизми аниқланган – йўлдош соҳаларининг ошиши (s+). Эркак кариотиби 46,XY.
8	7	20	14 ва 15 хромосомаларнинг полиморфизми аниқланган – йўлдош соҳаларининг ошиши (s+). Эркак кариотиби 46,XY.
9	5	28	14 ва 21 хромосомаларнинг полиморфизми аниқланган – йўлдош соҳаларининг ошиши (s+, stk+). Метафазанинг 43% да акроцентрик хромосомаларнинг сателитли ассоциациялари аниқланган (СААХ). Эркак кариотиби 46,XY.
Ўртача	4,9±0,59	17,5±1,49	аёл кариотиби (46, XX)-3 эркак кариотиби (46,XY)-6

Шундай қилиб, аутизм бўлган болалар орасида цитогенетик текширувда аёл кариотиби (46, XX) 33,3% да ва эркак кариотиби (46,XY) 66,7% ҳолатларда аниқланган. rs1805087 (A2756G) MTR полиморфизмининг тарқалганлиги аутизм бўлган болаларнинг 50 нафарида ва назоратдаги болаларнинг 54 нафарида аниқланган.


Аутизмдан азият чекувчи болаларда AA, AG ва GG генотиплари частоталарининг тарқалганлиги мос равишда 64,70%, 31,37% ва 3,92% ни, назорат гуруҳида эса мос равишда - 72,22%, 25,93% ва 1,85% ни ташкил қилди (расм 2).



Расм 2. Текширувдаги гуруҳларда MTR гени A2756G полиморфизми генотипларининг тарқалганлиги

Аутизм ташхиси қўйилган болалар орасида ва назорат гуруҳидаги шартли соғлом бўлган болалар орасида MTR гени rs1805087 (A2756G) полиморф маркерининг аллеллари ва генотиплари частотаси тарқалганлигининг текширувида статистик жиҳатдан аҳамиятли тафовутлар аниқланмади. A/G гетерозиготаси генотиби тарқалганлигининг частотаси 31,4% (16/51), назорат гуруҳида эса 25,9% (14/54) ни ташкил қилди, мос равишда ($\chi^2 = 0,47$; $p = 0,24$; OR=1,35; 95% CI 0,57-3,17; df=1).

Аутизм бўлган болаларда MTR гени rs1805087 (A2756G) полиморфизми A ва G аллеллари частотасининг тарқалганлиги 80,39 ва 19,61, мос равишда, назорат гуруҳида эса - 85,2 ва 14,8, мос равишда ташкил қилди (расм 3).




Расм 3. Текширилган гуруҳларда MTR гени rs1805087 (A2756G) полиморфизми аллелларининг частотаси

Аутизм бўлган болаларда AA, AG ва GG частоталари мос равишда 11,8%, 68,6% ва 19,6%, назорат гуруҳида – мос равишда 64,8%, 25,9% ва 9,3 % ни ташкил қилди. Аутизм бўлган болаларда A, G аллелларининг частотаси мос равишда 46,0%, 54,0%, назорат гуруҳида эса мос равишда 77,8%, 22,2% ни ташкил қилди. MTR гени rs1805087 (A2756G) полиморфизмини текшириш борасида олинган маълумотлар аллеллар ва генотипларнинг

тақсимланишида статистик аҳамиятга эга тафовутларни аниқламаган бўлсада, маълум даражада корреляция аниқланди. Полиморфизм генотиплари тақсимланишининг натижалари таҳлил қилиниб, популяция танлов билан таққосланганда, аутизм бўлган беморлар орасида 1,2 баравар устунлик қилиши билан А/Г ($\chi^2 = 0,47$; 95% СІ 0,57-3,17) гетерозигота генотипининг сустр корреляцион алоқаси мавжудлигини аниқлади, бу тадқиқотчиларнинг маълумотларига зид келмади. Шунга қарамай, аутизм ташхиси тасдиқланган болаларда, назорат танловига нисбатан (95% ДИ = 0,68-2,93, df=1), G аллели аниқланиши даражасининг 1,4 бараварга ошиши билан боғлиқ статистик аҳамиятга эга бўлмаган корреляция аниқланган. Умуман олганда олинган маълумотлар зид эмас ва тадқиқотчиларнинг маълумотларига мос келади.

MTRR генида қатор полиморфизмлар аниқланган, уларнинг бири, айнан эса А66G учун аутизм билан ассоциацияси кўрсатилган. Аутизм бўлган болаларда АА, АГ ва GG генотипининг частотаси мос равишда 13,7%, 66,7% ва 19,6% ни, назорат гуруҳида эса мос равишда - 63,0%, 24,1% ва 12,9% ни ташкил қилди. Аутизм бўлган болаларда А, G аллелларининг частотаси мос равишда 47,1%, 52,9%, назорат гуруҳида эса мос равишда - 75,0%, 25,0% ни ташкил қилди.

Гуруҳда (тақсимланишининг кутилаётган ва кузатилаётган частоталари орасида) MTRR гени А66G полиморфизми учун Харди-Вайнберг мувозанатидан статистик аҳамиятга эга оғиш аниқланган ($\chi^2 = 6,92$; p=0,006). Аутизмда РХВ бўйича генотиплар тақсимланишининг кутилаётган частотаси: А/А =22,1; А/Г =49,8; G/G =28,0. Беморлар гуруҳида РХВ бўйича генотиплар тақсимланишининг кузатилаётган частотаси: А/А =13,7; А/Г =66,7; G/G =19,6. РХВ дан оғишни таҳлил қилинаётган гуруҳ танлов сонларининг етарлича эмаслиги билан тушунтириш мумкин (расм 4).



Натижалар интерпретацияси: 1.(+/-) генотип А/Г; 2 (– генотип А/А; 6,7,15,16 – гомозиготли генотип А/А (нормал генотип); 3,5,8,9,11,13,14,17,18 – генотип А/Г (гетерозиготли генотип); 4,10,12– гомозиготли генотип G/G (мутант генотип).

Расм 4. Метионин синтазаредуктаза (MTRR) гени А66G полиморфизми детекциясининг электрофореграммаси


MTRR гени А66G полиморф маркерининг аллеллари ва генотиплари частотасининг тақсимланишини таҳлил қилишда статистик аҳамиятга эга

тафовутлар аниқланди. Шу нарса кўрсатилдики, G аллели ва G/G генотиби ташувчилари аутизм ривожланишининг юқори хавфига эга бўладилар (G аллели: OR=3,38; 95%CI: 1,88-6,05; G/G генотиби: OR=6,94; 95%CI: 1,96-24,53, мос равишда), шу билан бирга A аллели ва A/A генотиби ташувчиларида эса аутизм ривожланишининг хавфи паст (G аллели: OR=0,3; 95%CI: 0,17-0,53).

Шундай қилиб, аутизмни эрта ташхислаш муҳим, чунки у аутизм машғулотларини анча эрта бошлаш ва коррекция қилишга имкон беради. Аутизм бўлган кичик ёшдаги болалар учун бу шуни англатадики, тўлиқ салоҳиятга эга бўлиш учун миянинг пластиклиги кўпроқ ифодаланганида, ва, бинобарин, аралашув анча самарали таъсир кўрсатганида, зарур кўникмалар эрта босқичларда ўқитилади.

Диссертациянинг **“Болаларда аутизмни даволашда АВА терапиянинг самарадорлиги”** номли бешинчи бобида хулқ-атвор терапиясининг аутизмни коррекция қилишнинг самарали усуллари ёки амалий ҳатти-ҳаракатларни таҳлил қилиш усули АВА (Applied behavior analysis) келтирилган. Текширувдаги 100 нафар болалардан асосий гуруҳдаги 25 нафар болалар АВА терапияси ёрдамида даволандилар, таққослаш гуруҳидаги 75 нафар болалар эса - стандарт фармакотерапияни олдилар ва логопед билан машғулотлар ўтказилди. Даво самарадорлигининг динамикаси терапия бошлангандан сўнг 6 ойдан кейин баҳоланди. Даво самарадорлиги иккала текширувдаги гуруҳларда VB-MAPP дастури бўйича баҳоланди.

Сўраш қобилиятини баҳолаш: 10% қобилиятга эга эмас, 30% сўзлар, имо-ишоралар ёки альтернатив коммуникация ёрдамида икки турлича сўраш қобилиятига эга, бироқ ёрдамга муҳтож эдилар. 20% мустақил равишда 4 турлича сўраш қобилиятга, яна 40% 2 турлича вазиятларда 2 турли одамлар билан сўзлар, имо-ишоралар ёки альтернатив коммуникация ёрдамида сўраш қобилиятига эга эдилар (расм 5).



Расм 5. Сўраш қобилиятининг шаклланганлиги

Тадқиқотнинг барча иштирокчилари ўқитишдаги қийинчиликлар, яъни ўқитишдаги мураккабликларнинг кўплигини, баҳолашда юқори баллни олдилар, шунинг учун айтиб ўтилган қийинчиликларни тузатиш дастури

АСБ бўлган текширувдан ўтган болаларнинг ривожланиши

Ривожланиш кўрсаткичлари	Асосий гуруҳ		Таққослаш гуруҳи	
	Даволашдан аввал	Даволашдан сўнг	Даволашдан аввал	Даволашдан сўнг
Эхолалиялар	28%	16%	24%	20%
Лексиконда “Мен” олмошининг йўқлиги	20%	12%*	24%	14%*
Нутқнинг грамматик тузилишининг бузилиши	12%	6%*	12%	8%
Тозаликка риоя қилиш қобилиятининг йўқлиги	12%	8%*	10%	8%
Ноадекват эмоционал ривожланиш	16%	8%*	12%	8%
Хавотир ва фобияларнинг бўлиши	12%	6%*	12%	8%
Коммуникатив функцияларнинг қийинлиги	36%	16%*	40%	24%
Агрессивлик	20%	14%	16%	14%
Харакат стереотиплари	12%	8%	10%	8%
Уйқуга кетишдан олдин онасининг ёнида бўлиши зарурати	16%	8%*	16%	10%
Ўйин фаолиятининг йўқлиги	28%	18%	28%	24%
Ўйин стереотиплари	64%	34%	60%	50%

Изоҳ: * - гуруҳлар орасидаги маълумотларнинг ишончилиги ($P < 0,05$)

Таққослаш гуруҳида шунингдек болалар ривожланишининг барча кўрсаткичларида даволаш жараёнида ижобий динамика кузатилган, бироқ фақат “Лексиконда “Мен” олмошининг йўқлиги” кўрсаткичларида ишончилик қайд этилди. Комплекс даво АСБ бўлган болада нафақат ривожланиш кўникмаларининг тикланиши, балки шунингдек, фақат фармакотерапия олган болаларнинг таққослаш гуруҳига нисбатан, хавотирлик ва фобия симптомларининг деярли 2 баравар текисланишига имкон беради.

Бундан ташқари биз кўриш, эшитиш-нутқ хотираси, диққат-эътибор, фикрлаш жараёнлари, руҳий сфераси кўрсаткичлари динамикасининг маълумотларини ўрганиш учун тадқиқотлар олиб бордик (жадв. 5).

Тадқиқотни тугатиш вақтида биз ижобий динамикани кузатдик: атроф-муҳитга қизиқишнинг ортиши, чарчаш, қўзғалувчанлик, агрессивликнинг пасайиши. Кўрув модаллигига бўлган оператив ҳотира 1,93 баравар, эшитиш-нутқ модаллиги бўйича 1,76 баравар ортди. Ихтиёрий эътибор сезиларли даражада барқарор бўлди, текширувда бўлганларда хатолар сони 1,28 бараварга камайди. Олиб борилган ўқитиш курсидан сўнг болалар

вазифаларни ўртача 2, 95 тага бажара олдилар, фикрлаш маҳсулдорлиги эса 3,57 бараварга ошди.

Олиб борилган ўқитиш курсидан сўнг болаларда фобиялар сони камайди, умумий хавотирлик пасайди, текширувдаги болаларда агрессив ва депрессив реакциялар сезиларли даражада камайди.

Жадвал 5

Даволашдан аввал ва кейин ДА бўлган болаларни текширишда олинган маълумотлар

Кўрсаткичлар	Асосий гуруҳ		Назорат гуруҳи	
	Даволашдан аввал	Даволашдан кейин	Даволашдан аввал	Даволашдан кейин
Кўриш ва эшитиш-нутқ хотираси кўрсаткичлари динамикасининг маълумотлари				
Кўриш хотирасининг хажми (биринчи тақдимот)	1,5 фигура	2,9 фигура	1,24 фигура	1,7 фигура
Эшитиш-нутқ хотирасининг хажми (биринчи тақдимот)	2,1 сўз	3,75 сўз	2,2 сўз	3,0 сўз
Диққат-эътибор кўрсаткичлари динамикасининг маълумотлари				
1 дақиқа ичидаги хатолар сони	9,1	7,3	8,8	8,1
Фикрлаш самарадориги кўрсаткичлари динамикасининг маълумотлари				
Бажарилган вазифалар сони	2,15	4,1	2,3	2,9
Рухий сфера кўрсаткичлари динамикасининг маълумотлари				
Фобиялар	6,1	4,7	6,9	5,9
Хавотирлик	7,3	5,6	6,4	5,9
Агрессив реакциялар	7,6	6,3	7,7	7,1
Депрессив реакциялар	5,4	3,9	5,8	5,2

Асосий гуруҳдаги болаларда 92% ҳолатларда ўрта ва ифодаланган даражада когнитив фаолиятининг ижобий динамикаси кузатилди; 40% болаларда суст ижобий динамика аниқланди, 8% ҳолатларда эса динамика кузатилмади. Болаларнинг 8% да ижобий динамика қатъий ифода этилди, эмоционал ҳолатининг аҳамиятли даражада яхшилангани кузатилди, ихтиёрий фаолият пайдо бўлди, ҳаракат стереотипларининг пасайиши кузатилди, нутқнинг коммуникатив функциялари пайдо бўлди. Стандарт методика бўйича ўқитилган болаларда ифодаланган даражадаги ижобий динамика фақат 8% да кузатилди, ўрта даражадаги ихтиёрий фаолиятнинг пайдо бўлиши 28% болаларда, 36% да – кучсиз даража, 28% да ҳолатларда динамиканинг йўқлиги кузатилди, яъни 64% ҳолатларда динамика кузатилмади ёки суст бўлди; фақат болаларнинг чорак қисмида (36%) ўрта ва ифодаланган динамика кузатилди.

Асосий гуруҳдаги аутизм бўлган болаларда даволашдан сўнг 6 ойдан кейин VB-MAPP ўртача балларининг ишонарли ошиши кузатилган бўлса ($83,6 \pm 5,5$ га қарши $47,5 \pm 4,3$; $P < 0,05$), таққослаш гуруҳида 6 ойдан сўнг ўртача баллар асосий гуруҳнинг балларидан айтарлик фарқ қилмади. Асосий гуруҳ ўртача баллар кўрсаткичи шу ҳақида далолат берадики, аутизм бўлган

болаларда нутқ кўникмалари ва ижтимоий ўзаро таъсир кўрсатиш ошди, шунингдек коммуниктив кўникмалар вужудга келган.

ХУЛОСА

1. Аутизм билан касалланган болаларда неврологик симптоматика ёшга боғлиқ бўлиб, тонус диссоциацияси, рефлексларнинг ўзгариши (пай ва периостал рефлексларнинг енгил асимметрияси), нутқ маҳсулдорлигининг пастлиги ва ижтимоий мулоқотдаги нуқсонлар кўринишида тарқок микросимптоматиканинг мавжудлиги характерланади.
2. Аутизм билан касалланган болаларда аниқланадиган неврологик синдромлар перинатал даврда марказий асаб тизими шикастланишида субклиник шакллари (пирамида, экстрапирамида етишмовчилиги синдроми, мушак дистонияси синдроми, энурез ва б.) етарли даражада юқори частотада учрашининг оқибати бўлиб ҳисобланади.
3. Беморларнинг клиник ҳолатини ҳисобга олиб мия биоэлектрик фаолигининг маълумотларини таҳлил қилиш клиник структураларининг хусусиятлари билан ЭЭГ алоҳида характеристикаларининг ўзаро боғлиқлигини аниқлашга имкон берди, бундан болалар аутизмни эрта ташхислашда кўшимча маркер сифатида фойдаланиш мумкин.
4. Аутизм билан касалланган болалар орасида 33% ҳолатларда аёл кариотиби (46, XX) ва 66,7% эркак кариотиби (46, XY) аниқланди, буни болаларда аутизмни эрта ташхислашнинг мезони сифатида қўллаш мумкин.
5. Молекуляр-генетик текширувда шу нарса аниқландики, А аллелининг бўлиши билан таққослаганда, G MTR A2756G аллелининг бўлиши аутизмнинг юзага келиши хавфини 1,4 бараварга оширади (95% ДИ = 0,68-2,93, df=1). Аутизм билан касалланган беморларда минор G аллели MTRR гени rs1801394 полиморфизм учрашининг частотаси 52,9% ни ташкил қилди.
6. Аутизм ривожланишининг хавфи билан боғлиқ бўлган MTRR гени rs1801394 полиморфизмининг G аллели ва гетеро A/G, G/G гомозиготали генотипининг статистик аҳамиятга эга ассоциацияси аниқланди. Бунда MTRR гени rs1801394 гени полиморфизмининг А аллели ва A/A генотипининг бўлиши аутизм ривожланиши хавфини камайтиради.
7. Эрта болалар аутизми бўлган беморларда ижтимоий мослашувнинг аҳамиятли яхшиланиши ва коммуникабеллигининг ошиши ташхислаш комплексига руҳий-нутқ бузилишлари, ижтимоий мослашув ва коммуникацияларга VB-MAPP дастури ва АВА терапиянинг анъанавий давоси киритилгандан сўнг аниқланди. Асосий гуруҳда ўрта балларнинг ошиши шу ҳақида далолат берадики, аутизм билан касалланган болаларда нутқ ва ижтимоий ўзаро таъсир кўрсатиш кўникмалари, шунингдек коммуникатив кўникмаларга эга бўлиш ўртача 45,3% ошди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.12.2019 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ
СТЕПЕНЕЙ ПРИ ЦЕНТРЕ РАЗВИТИЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ
КВАЛИФИКАЦИИ МЕДИЦИНСКИХ РАБОТНИКОВ
ТАШКЕНТСКИЙ ПЕДИАТРИЧЕСКИЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ**

ДОНИЁРОВА ФАРАНГИСБОНУ АЛИШЕР КИЗИ

**КЛИНИКО-НЕВРОЛОГИЧЕСКИЕ ПАРАЛЛЕЛИ И
ПРОГНОСТИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ АУТИЗМА У ДЕТЕЙ**

14.00.13 – Неврология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №B2018.2.PhD/Tib642.

Диссертация выполнена в Ташкентском педиатрическом медицинском институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.timpe.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель: **Маджидова Якутхон Набиевна**
доктор медицинских наук, профессор

Официальные оппоненты: **Шамансуров Шаанвар Шамуратович**
доктор медицинских наук, профессор

Чутко Леонид Семенович
доктор медицинских наук, профессор

Ведущая организация: Бухарский государственный медицинский институт

Защита диссертации состоится « ____ » _____ 2021 г. в _____ часов на заседании Научного совета DSc.04/30.12.2019 при Центре развития профессиональной квалификации медицинских работников (Адрес: 100007, Ташкент, Мирзо-Улугбекский район, ул. Паркентская, 51. Тел./Факс: (+99871) 268–17–44, e-mail: info@timpe.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Центра развития профессиональной квалификации медицинских работников (зарегистрирована за № ____). Адрес: 100007, Ташкент, Мирзо-Улугбекский район, ул. Паркентская, 51. Тел./Факс: (+99871) 268–17–44.

Автореферат диссертации разослан « ____ » _____ 2021 года.

(Реестр протокола рассылки № _____ от _____ 2021 года).

Х.А. Акилов
председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, д.м.н., профессор

Н.Н. Убайдуллаева
ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, д.м.н., доцент

Б.Г. Гафуров
председатель научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, д.м.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Среди неврологических заболеваний у детей расстройство аутистического спектра - одна из самых привлекающих внимание патологий. По данным Всемирной организации здравоохранения (ВОЗ), «один из 160 детей во всем мире имеет РАС. Без специализированной помощи до 95-97% детей с расстройствами аутистического спектра (РАС) становятся тяжелыми психическими инвалидами. Большинство из этих детей нуждаются в постоянной коррекционной, социальной и образовательной поддержке на сегодняшний день. Поэтому улучшение эффективных схем лечения путем диагностики клинических и неврологических параллелей и прогностических особенностей аутизма у детей является одной из важных проблем детской неврологии.

Во всем мире был проведен ряд научных исследований для оптимизации клинических и неврологических параллелей и прогностических характеристик детского аутизма, а также для улучшения эффективных схем лечения. В связи с этим выявлены значимые факторы риска развития расстройств аутистического спектра, клинико-неврологические, клинико-нейрофизиологические показатели, роль кариотипа в развитии аутизма, молекулярно-генетическая B12-связанная метионинсинтаза (MTR Asp919Gly, r2168, A2756) двух полиморфных вариантов, связанных с нарушениями фолатного цикла, потребность в анализе метионинсинтазы (MTRR Ile22Met, A66G, rs1801394) возрастает. Особое значение имеет оценка важности оценочной программы VB-MAPP в диагностике психических и речевых расстройств у детей с аутизмом, разработка эффективных схем лечения за счет улучшения социальной адаптации и вербальных поведенческих навыков, а также применение психотерапевтического анализа поведения в коррекция аутизма у детей.

В нашей стране особое внимание уделяется повышению качества медицинской помощи, в том числе ранней диагностике, лечению и профилактике различных острых и хронических заболеваний матери во время беременности, наследственных заболеваний, развивающихся в результате их осложнений. В связи с этим решаются такие задачи, как «... совершенствование системы диагностики, лечения и реабилитации детей с наследственными, генетическими, первичными иммунодефицитами, врожденными и приобретенными заболеваниями, в том числе создание реабилитационных центров для детей с врожденными, хроническими заболеваниями и инвалидностью...»³. Поэтому одним из актуальных научных направлений является реализация клинико-неврологических параллелей и прогностических особенностей аутизма у детей, эффективность снижения наследственных заболеваний за счет выбора оптимальной тактики лечения.

³ Указ Президента Республики Узбекистан от 7 декабря 2018 г. № 5590 «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения».

